



2018 y.г. «17» июль

№ 1360-к

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар Беклар кўчаси атрофидаги 120 кв.метр ер майдонини
фуқаро Увайтов Иброхим Муродулло ўғлига умумий ҳаммом ва маиший
хизмат кўрсатиш мажмуаси куриши учун ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги “Обод
кишлоқ” дастури тўғрисидаги ПФ-5386-сонли фармони ва 2018 йил 29-мартдаги
“Обод кишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисидаги ПҚ-3630-сонли ҳамда 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла”
дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш
масалалари тўғрисида”ги 3812-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва
Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан курилиш учун оқилона
фойдаланиш, ҳамда фуқаро Увайтов Иброхим Муродулло ўғлининг шаҳар ҳокими
номига ёзган аризаси Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш бўйича
тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш бўйича тузилган
комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Беклар кўчаси атрофидан фуқаро Увайтов Иброхим
Муродулло ўғлига умумий ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
куриши учун 120 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Увайтов Иброхим Муродулло ўғлига белгиланган тартибда
келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида умумий ҳаммом ва маиший хизмат
кўрсатиш мажмуаси куриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли
бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк
кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га фуқаро Увайтов Иброхим Муродулло
ўғлига умумий ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси куриши учун
ажратилган ер майдонини натура тарзда жойида ўлчаб бериш ва тегишли
далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.
6. Фуқаро Увайтов Иброхим Муродулло ўғли томонидан шаҳар ҳокимлиги
томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда
курилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга
оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги
заҳирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

7. Фукаро Увайтов Иброхим Муродулло ўғлига умумий ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси куриши учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Хашимов